ТТА ва ўрта махсус таълим ўртасидаги ҳамкорлик ишларини ташкил қилиш муаммолари ва истиқболлари

Тошкент тиббиёт академиясининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли ва 2010 йил 1 июлдаги 131 сонли Қарорлари, ОЎМТВ нинг 2005 йил 2 мартдаги 39-сонли буйруғи, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 22 март 137 сонли буйруқлари ва ТТА ректори 2013 йил 8 октябрда тасдиқлаган "ТТА академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўртасидаги ҳамкорлик ишлари тўғрисида" ги Низоми асосида ўз фаолиятини олиб боради.

2016-2017 ўқув йилида Тошкент шаҳрининг 1 та, Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг 9 та тиббиёт коллежлари ва ТТА қошидаги академик лицей билан ҳамкорлик ишлари олиб борилди. Бўлим қошида доимий фаолият юритувчи 5 та ишчи гурух: ўқув-услубий ишлар бўйича, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, АРМ ни такомиллаштириш, маънавий-маърифий ишлар, спорт ва соғломлаштириш ишлари бўйича гурухлар тузилди.

Ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш учун ТТА нинг профессор-ўқитувчилари илмий-педагогик салоҳиятидан самарали фойдаланиш кўзланган мақсадга эришишда яқиндан ёрдам беради. ТТА томонидан тиббиёт коллежлари билан ҳамкорликда фақат биттагина ўқув-услубий қўлланма яратилди, яна 7 таси ТТА Илмий Кенгашида тасдиқдан ўтди. Тайёрланиш босқичидаги ўқув услубий ишланмаларимиз йил якунига қадар тасдиқланиши ва чоп этилиши режалаштирилган. Бу йўналишда режа, дастурлар ва ўқув-услубий мажмуаларга тақризлар берилган. Лекин ҳамкорликнинг янги замонавий усулларини йўлга қўйишимиз мақсадга мувофиқ. **Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш** бўйича ТТА ҳузуридаги малака ошириш тармоқ марказида тиббиёт коллежларининг 140 та ўқитувчисининг касбий ва педагогик малакаси оширилди. 2017 йил 9 январда "Тиббиёт коллежларида мутахассислик фанлиарини ўқитиш тизимини мустаҳкамлаш истиқболлари" мавзусида махсус фан ўқитувчилари иштирокида ҳамкорлик муаммоларининг ечимига бағишланган ўқув-услубий семинар ўтказилди. Ўқитувчиларнинг мавзувий малака оширишларида амалий ёрдам беришга келишиб олинди.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича - академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида маънавий-маърифий, ахлоқий тарбия масаласини тўғри йўлга қўйиш, бу борада ТТАнинг маънавий - маърифий бўлими ва академик лицей ва бириктирилган тиббиёт коллежлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш давр талабидир. Бу борада "Ижтимоий" фанлар кафедраси томонидан 10 дан ортиқ сиёсий ва ижтимоий ўқишлар ташкил этилди. ТТА маънавият бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ва фаол профессор ўқитувчилар томонидан ўқувчиларни ватанпарвар, инсонпарвар қилиб, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш мақсадида, ТК ва АЛ билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ маънавий-тарбиявий тадбирлар ўтказилди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов хотирасига бағишлаб семинар,

анжуман ва танловлар ўтказилди. “Устозларимиз изидан борамиз” тадбирларида ТТА нинг таниқли профессорлари билан учрашувлар ташкил этилди. **АРМ фондидан самарали фойдаланиш** бўйича бириктирилган тиббиёт коллежлари АРМлари ўрганиб чиқилганда барча коллежларда умумий адабиёт фонди хар хил, касбий ва умумтаълим фанлар бўйича ҳам катта фарқ қилиши, электрон дарслик, қўлланма ва адабиётларнинг электрон шакллари жуда ҳам камлиги маълум бўлди. Адабиётларнинг аксарияти эскириб қолган ва охирги 10 йилда яратилган адабиётлар жуда кам. Электрон каталог академик лицейда ва коллежларимизнинг 50% ида ўрнатилган. **Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш** бўйича тиббиёт коллежлари иқтидорли ўқувчилари ўртасида “Тиббиёт ниҳоллари” илмий кўрик танлови ва “Моҳир хамшира” танлови ўтказилди, унда барча иштирокчиларни мутахассислик фанлари ва амалий кўникмалар бўйича бахоландилар. **Спорт ва соғломлаштириш ишлари** бўйича шахмат, стол тенниси, бадминтон, югуриш эстафетаси ва воллейбол бўйича коллежлараро педагоглар ўртасида мусобақалар ўтказилди**.**

Қилинган ижобий ишларга қарамасдан, ўқув-услубий ҳамкорлик соҳасида олиб бораётган ишларимиз ҳали талаб даражасида эмас, ТТА ўқув ва илмий ҳаётида юз бераётган янгиликларни тиббиёт коллежларига оммалаштириш суст бормоқда. Шу сабабли, таълим тизимида юз бераётган сифат ўзгаришларининг тиббиёт коллежларига самарали тадбиқ қилинишида амалий ёрдам кўрсатиш бизнинг профессор-ўқитувчилар жамоамиз олдида турган асосий вазифадир.

ТТА академик лицей ва касб-ҳунар
коллежлари билан ишлаш бўйича проректори С.Р.Баймаков

Ҳамкорлик ишлари бўйича муаммолар:

1. Академик лицей ва бириктирилган тиббиёт коллежлар ўқув режаларидаги фанларнинг асосий ва қўшимча дарсликлар билан таъминланганлиги, фанлардан мавзулар бўйича услубий таъминот таҳлили дастурга мос замонавий ўқув адабиётлари етишмаслигини кўрсатди.
2. Академик лицей ва бириктирилган тиббиёт коллежларида ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти паст хусусан, охирги йилларда илмий салоҳият янада пасайган.
3. Академик лицей ва бириктирилган тиббиёт коллежларида ахборот телекоммуникация технологиялардан, шу жумладан зиёнет ва интернетдан фойдаланиш даражаси жуда паст.
4. Бириктирилган тиббиёт коллежлари АРМлари умумий адабиёт фонди хар хил, касбий ва умумтаълим фанлар бўйича ҳам катта фарқ қилиши, электрон дарслик, қўлланма ва адабиётларнинг электрон версиялари жуда ҳам кам. Адабиётларнинг аксарияти эскириб қолган ва охирги 10 йилда яратилган адабиётлар жуда кам. Электрон каталог дастури аксарият коллежларда ўрнатилмаган.

Вазифалар:

1. ТТА да орттирилган илғор тажрибаларини коллежларга тадбиқ этиш ва ўқув услубий соҳада, айниқса янги авлод адабиётларини яратишда амалий ёрдам кўрсатиш учун ТТА факультетлари, кафедралари ва тиббиёт коллежларининг турдош кафедралари ўртасида ҳамкорликни такомиллаштириш.
2. Бириктирилган тиббиёт коллежлари АРМларида амалдаги ўқув режаларга мос электрон маълумотлар базасини яратиш, касбий фанлар бўйича ўқув адабиётлар фондини бойитиш, электрон каталогларни (тизимли, мавзули) яратишда ёрдам бериш.
3. Коллеж ўқувчи ва ўқитувчиларини ТТА АРМ фондидан фойдаланишлари учун шароит яратиш.
4. АЛ ва ТКларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ва АРМ ходимларини, ТТА кафедраларига малака ошириш ҳамда тажриба алмашиш учун юбориш, мутахассисликлар бўйича мавзули стажировкалар ташкил қилиш.
5. Коллежлар ва академик лицейлардаги “Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш” маркази билан ТТА “Иқтидорли талабалар билан ишлаш” бўлимининг узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш. Коллежларнинг илмий салоҳиятини ошириш бўйича амалий ёрдам бериш.

ТТА академик лицей ва касб-ҳунар
коллежлари билан ишлаш бўйича проректори С.Р.Баймаков

ҚАРОР ЛОЙИҲАСИ:

1. Тиббиёт коллежларида дарс берадиган ТТА профессор-ўқитувчилари сонини ошириш учун тиббиёт коллежларида бунга эҳтиёжни ўрганиш ва қулай шароит яратиш бўйича ишлаш;
2. ТТА ва бириктирилган тиббиёт коллежлари ўртасида ҳамкорликни электрон шаклда йўлга қўйиш учун улар билан бирга ягона виртуал муҳит яратиш;
3. Ҳамкорлик ишлари учун факультетлар бўйича масъул ходимларини тиббиёт коллежлари билан ҳамкорликда эришган ютуқлари учун ТТА маъмурияти томонидан рағбатлантиришни йўлга қўйиш.

ТТА академик лицей ва касб-ҳунар
коллежлари билан ишлаш бўйича проректори С.Р.Баймаков